

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил март ойининг 19 куни Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи - вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Ш.Шеркулов, ҳайъат судьялари У.Мамадалиев ва У.Ханаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Л.Султоновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ф.Яшнарбеков, судланган Ш.Абдувахобовнинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Гафуров ва жабрланувчи Г.Абдукодированинг иштирокида, судланган Ш.Абдувахобовнинг ўзига нисбатан чиқарилган ҳукм устидан кассация тартибида берган шикояти асосида жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2024 йил 20 июндаги ҳукмига кўра,

1994 йил 4 декабрда Тошкент вилояти, Бўка туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “MR Construction & Engineering Group” МЧЖда ҳайдовчи, Тошкент вилояти, Бўка тумани, Ровот қишлоғи, “Истиклол” МФЙ, Янгихаёт кўчаси, 7-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “таров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини ўз вақтида олган Абдувахобов Шерзод Абдуғафор ўғли (Abduvakhobov Sherzod Abdug'ator o'g'li)га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.Абдувахобов, “Олмалиқ КМК” АЖ билан шартнома асосида иш фаолиятини олиб бораётган “MR Construction & Engineering Group” МЧЖда юк автомашинаси ҳайдовчиси бўлиб ишлаб келиб, 2024 йил 6 март куни соат 8:15 ларда бошқарувидаги “MR Construction & Engineering Group” МЧЖга тегишли бўлган хўжалик рақами “Т-51” бўлган “TONLY” русумли ўзи ағдаргич оғир юк автомашинасини юкхонасида 48,8 тонна кон массаси юкланган ҳолатда “Олмалиқ КМК” АЖ Қолмоқир кон бошқармаси ҳудудида кон ички йўли бўйлаб “Олмалиқ КМК” АЖ инвестиция лойиҳаси доирасида ўзлаштирилаётган “Ёшлик 1” кони ҳудудида қурилаётган карьер техникаларига техник хизмат кўрсатиш майдони томон



ҳаракатланиб кетаётган вақтда, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди, яъни ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги, 159-банди 1-қисмида одамларни автомобилнинг кабинасидан ташқарида ташиш тақиқланиши ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан, “Олмалиқ КМК” АЖ “Олмалиқметаллургурилиш” трести ишчилари Асқаров Ермухаммад Бахтиёр ўғли ва Мирзаев Мансур Сотиболдиевичларни бошқарувидаги оғир юк автомашинаси палубасига чиқариб ҳаракатланиб, шу куни соат 8:30 ларда “Олмалиқ КМК” АЖ инвестиция лойиҳаси доирасида ўзлаштирилаётган “Ёшлик 1” кони ҳудудида қурилаётган карьер техникаларига техник хизмат кўрсатиш майдонида ҳаракатланиш вақтида бошқарувидаги хўжалик рақами “Т-51” бўлган “TONLY” русумли ўзи ағдаргич оғир юк автомашинасини бошқарувини йўқотиб қўйиб, нишаблик бўйлаб пастлик томонга ҳаракатланиб кетаётган вақтда, оғир юк автомашинаси палубасида бўлган Е.Асқаров ва М.Мирзаевлар кўрқиб кетишган, оғир юк автомашинаси кон махсус техникалари томонидан текисланиши натижасида ҳосил бўлган баландлиги 1,5 метр бўлган пағона (тоғнинг қиялик кесилган жойи)га яқинлашган вақтда аввал Е.Асқаров, сўнгра М.Мирзаевлар оғир юк автомашинаси палубасидан ушбу пағона устки қисмига сакрашган вақтда, Е.Асқаров пағона ва оғир юк автомашинаси орқа балони орасида қолиб кетиб тан жароҳати олган, оғир юк автомашинаси эса кон массаси уюмига бориб урилиб тўхтаган ва йўл-транспорти ҳодисаси содир бўлган.

ЙТХ натижасида тан жароҳати олган 1996 йил 26 июлда туғилган Асқаров Ермухаммад Бахтиёр ўғли касалхонага олиб кетилаётган вақтда, йўлда вафот этган.

Суд тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 20 мартдаги 67-сонли хулосасида, марҳум Асқаров Ермухаммад Бахтиёр ўғлида аниқланган тан жароҳатлари қаттиқ тўмтоқ жисм таъсирида ҳодиса тафсилотида йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган вақтда олинган бўлиши мумкин ва бу жароҳатлар унинг ўлимига олиб келган “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Суд автотехника экспертизасининг 2024 йил 25 мартдаги 165-сонли хулосасида, кўздан кечириш вақтида хўжалик рақами “Т-51” бўлган “TONLY” русумли юк автомобилнинг рул бошқаруви, ички тормоз тизими ва юриш қисми ишга яроқли ҳолатда эканлиги аниқланган.

Судланган Ш.Абдувахобов ўзининг кассация шикоятда, марҳум Е.Асқаровнинг ўлимига сабабчи бўлганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва унинг оила аъзоларидан кечирим сўрашлиги, жабрланувчининг қонуний вакилининг моддий ва маънавий даъволари ҳамда эътирозлари йўқлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Кассация инстанция судлов ҳайъати, судья Ш.Шеркуловнинг маърузасини, прокурор Ф.Яшнабеков, судланган Ш.Абдувахобовнинг ҳимоячиси Ж.Гафуров ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили Г.Абдукодированинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, музокара сўзларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари асосида текшириб, муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни, шикоятни қаноатлантиришни лозим топади.

Кассация инстанцияси суди мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган Г.Абдукодирова, ҳақиқатдан фарзанди Е.Асқаров йўл-транспорти ҳодисаси оқибатида вафот этганлиги, судланган Ш.Абдувахобовнинг яқин қариндошлари томонидан барча сарф харажатлари тўлиқ қоплаб берилганлиги, судланган Ш.Абдувахобовга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъволари йўқлиги, уни кечирганлиги, унинг оилавий шароити, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унинг шикоятини қаноатлантириб, ҳукми ўзгартириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Биринчи инстанция суди ишнинг барча тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган Ш.Абдувахобовнинг жиноий ҳаракатини ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Судланган С.Сулаймоновнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишида тўпланган материаллар, яъни йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойни кўздан кечириш, транспорт воситасини кўздан кечириш баённомалари, фото иловалар, судга оид тиббий ва автотехника экспертизаси хулосалари ва иш бўйича тўпланган суд терговиди ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тўлиқ тасдиқланган.

Биринчи инстанция суди, судланган Ш.Абдувахобовга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканлиги, оилавий шароити оғирлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, унинг эҳтиётсизлиги оқибатида бир нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмганлиги, жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси борлиги, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олган бўлса-да, унга бир мунча оғир жазо тайинлаган.



Бундай ҳолда, биринчи инстанция судининг судланган Ш.Абдувахобовга нисбатан чиқарилган ҳукмнинг жазо тайинлаш қисмини адолатли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-моддаси 1-қисмида, апелляция, кассация инстанцияси суди апелляция, кассация шикоят (протести) бўйича ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганлигини ва Жиноят кодексининг нормалари тўғри қўлланилганлигини, иш юритишни амалга ошириш чоғида ушбу Кодекс нормаларига риоя этилган-этилмаганлигини, биринчи инстанция суди ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан қўшимча равишда текширилган далиллар бўйича текширишлиги;

ЖПКнинг 509⁹-моддаси 1-қисми 7-бандида, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилишлиги кўрсатилган.

ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги; 8-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги; 54-моддасига кўра, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунга кўра, кассация инстанцияси юқорида қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига амал қилиб, судланган Ш.Абдувахобовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, шахси, оилавий ва моддий шароити, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, жабрланувчининг қонуний вакилининг ҳеч қандай моддий ва маънавий даъволари йўқлиги, жабрланувчининг қонуний вакили уни кечирганлигини инобатга олиб, унга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартириб, унга тайинланган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини ўзгаришсиз қолдирган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини камайтиришни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топади.



Юқорида қайд этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 481, 482, 483, 509⁹ - 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати,

а ж р и м қ и л д и:

жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2024 йил 20 июндаги Абдувахобов Шерзод Абдуғафтор ўғли (Abduvakhobov Sherzod Abdug'afor o'g'li)га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

Абдувахобов Шерзод Абдуғафтор ўғлига Ўзбекистон ЖК 266-моддаси 2-қисми билан тайинланган 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Суд қарорлари устидан жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди орқали Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи	и м з о	Ш.Шеркулов
ҳайъат судьялари	и м з о	У.Мамадалиев
	и м з о	У.Ханаев
Ажрим нусхаси аслига тўғри вилоят судининг судьяси		Шеркулов

